



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Доц. Азимова Феруза Пайзиевна

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ORCID: 0009-0007-8007-7276

azimovaf@gmail.com

Аннотация. Мақолада тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали ҳажми ва сифатини ошириш, маҳсулотлар таннархини инновацион ёндашувларга кўра камайтириш, амалга оширилаётган тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш харажатларини ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни замонавий технологияларга кўра оқилона ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш баён этилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш, харажат, маҳсулот, иқтисодиёт, таннарх, даромад, тўқимачилик, технология, иқтисодий самарадорлик, нарх, рақобатбардошлик, тайёр маҳсулот.

ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Доц. Азимова Феруза Пайзиевна

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В статье описано, как увеличить объем и качество выпускаемой текстильной продукции, снизить себестоимость продукции согласно инновационным подходам, эффективно использовать внутренние возможности производственных затрат текстильной промышленности, а также усовершенствовать механизм рациональной организации производства по современным стандартам. технологии.

Ключевые слова: производство, себестоимость, продукт, экономика, себестоимость, доход, текстиль, технология, экономическая эффективность, цена, конкурентоспособность, готовая продукция.

FACTORS INFLUENCING THE DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY

Assoc. Prof. Azimova Feruza Payzievna

Tashkent Textile and Light Industry Institute

Abstract. The article describes how to increase the volume and quality of textile products, reduce the cost of products according to innovative approaches, effectively use the internal capabilities of the production costs of the textile industry, and improve the mechanism of rational organization of production according to modern technologies.

Keywords: production, cost, product, economy, cost, income, textile, technology, economic efficiency, price, competitiveness, finished product.

Кириш.

Бугунги кунда жаҳонда тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотларни илғор технологик ишлаб чиқариш орқали ҳажми ва сифатини ошириш, маҳсулотлар тан-нархини инновацион ёндашувларга кўра пасайтириш каби йўналишларда устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш харажатларини ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни замонавий технологияларга кўра оқилона ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида рақобатбардош тўқимачилик саноатини ташкил қилиш, жаҳон бозорларида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қўшимча қийматни шакллантиришнинг тўлиқ занжирини яратиш кабилар юзасидан ислохотлар амалга оширилмоқда. “Ип-калавани чуқур қайта ишлаш 2026-йилга қадар ип калавани тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш занжирида мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, тайёр маҳсулотлар учун миллий брендларни ривожлантириш ва уларнинг экспортини ошириш, жумладан миллий ва хорижий бренддаги тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини 2026 йилда 5 млрд АҚШ долларига етказиш” (Фармон, 2022) вазифалари белгилаб қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг самарали усулларини такомиллаштириш, харажатларини камайтириш стратегиясини асослаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг прогноз кўрсаткичларини асослаш каби йўналишдаги тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”, ҳамда 2022-йил 21-январдаги ПФ-53-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **фармони**, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳумдир (Фармон, 2022).

Адабиётлар шарҳи.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари моҳияти, таснифланиши ва уларга турли омиллар таъсири, уларни таркибий ва таҳлилий такомиллаштириш масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Классик таълимот намояндалари Смит (2020), Рикардо (1955) ва Кенелар (1984) томонидан ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларнинг қийматини бир маромда ушлаб туриш ёки уларни пасайтириш омиллари ҳақида фикр юритганлар.

Смит (2020) томонидан илгари сурилган ғояга асосан, исталган предметнинг ҳақиқий қиймати уни сотиб олмақчи бўлганлар томонидан тўлашга рози бўлган қиймат билан баҳоланади, яъни улар томонидан бажариладиган ишларнинг сотиб олинувчи товар нархи эквивалентидаги меҳнат ҳажми кўринишида намоён бўлади. Мисол учун, темирчининг 1 кунлик нонни сотиб олиш нархи у томонидан ишлаб чиқарилувчи темир ускунанинг ярим қиёматига тенг бўлиши мумкин.

Рикардо (1955) томонидан товарлар нархининг пасайиши ёки ошишини аниқлашда алоҳида ўзгармас мезон киритилиши таклиф этилган ва ўз навбатида бундай ўлчов бирилиги мавжуд эмаслигини ўзи ҳам тан олган.

Иқтисодчи олимлар Клейн ва Леффлер (1984) фикрига кўра, харидорларнинг тўлов қобилиятларига қараб, арзон нархдаги товарлар қиммат нархдаги товарларни уларнинг юқори сифатга эга эканлигига қарамай, бозордан сиқиб чиқаришини тадқиқ этганлар.

Хорижлик иқтисодчи Баскервилга (2011) кўра, бухгалтерия ҳисобидаги харажат корхонанинг даромад олиш учун қилган ҳаракатларига сарфланган пул ёки моддий неъматлардир. Харажатлар асосан бизнес юритиш харажатларини ифодалайди, бунда бизнес юритиш фойда олишга қаратилган фаолиятнинг йиғиндисидир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Карлибаева ва Темиров (2019) томонидан берилган таърифга кўра, ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида, ҳали моддий ресурслар ва асосий воситалар тўла бандлик даражасига эришмаган даврда ўртача доимий харажатларнинг қиймати юқори бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши билан у камайиб бориш хусусиятига эга бўлади.

Азларовга (2002) кўра, маҳсулотнинг режа таннархини ҳисоблашда харажатларнинг аксарияти маҳсулот турларига тўғридан – тўғри олиб борилган бўлсада, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олишда эса харажатларни тақсимлашнинг билвосита усули устун келмоқда.

Ибрагимовга (2002) кўра, ишлаб чиқариш харажатлари – бу бевосита ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий ва материал сарфлар йиғиндисидан иборат бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобининг муҳим томони ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиб боришдан иборат.

Тадқиқот методологияси.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Дунё мамлакатлари ўз иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида энг аввало турли омиллар эвазига таннархни пасайтириш, бунинг эвазига рақобатбардошликка эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Албатта бозорда сифат кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга, бироқ нисбатан арзон қийматдаги таннарх – устунликка олиб келувчи энг муҳим мезондир.

COVID-19 пандемияси туфайли бошқа иқтисодиёт тармоқлари сингари сўнгги 2 йил ичида тўқимачилик саноати ҳам бир қанча муаммоларни ўз бошидан кечирди. Жаҳон бозорида ушбу сегментнинг 2021 йилдаги умумий қиймати 993,6млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилдан 2030-йилгача бўлган йилик ўсиш суръати (САҒР) 4,0 % га ўсиши кутилмоқда.


Дунё мамлакатлари ичида глобал кўламда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчилиқни Хитой эгаллаб турган бўлса, энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўнталиги ичида биронта Европа давлати йўқ. Америка қитъасидан АҚШ, Бразилия ва Мексика бор бўлса-да, қолганлар барчаси Осиё мамлакатлари вакиллари дир. Бунинг асосий сабаби сифатида Осиё қитъасида ишчи кучи арзонлиги, хомашё ресурсларининг етарлилиги, юқоридаги мамлакатлар энгил саноат хомашёсини ишлаб чиқаришга мослашганлиги билан изоҳлаш мумкин (1-расм).

Мода саноатининг ривожланиши ва бунинг натижасида турли кийим-кечакларга талабнинг ортиши, энгил саноат ва текстиль бозори ўсишини таъминлаши кутилмоқда. Тўқимачилик саноати учта асосий тамойил асосида фаолият олиб боради: ип-калава тайёрлаш, материал тўқиш ва тайёр кийим-кечак ҳолига келтириш каби турли хил мослашувчан материалларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнларидан иборат.



1-расм. Дунёнинг 2020-йилда энг кўп энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарган давлатлари²⁸

Тўқимачилик, трикотаж, ип йиғириш ва бошқалар каби бир қанча жараёнлар асосан мебельсозлик, кийим-кечак тайёрлаш саноати, тиббий ва бошқа соҳа элементлари ва аксессуарларини тайёрлашда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларнинг кенг ассортиментини қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришда фойдаланилади.



2-расм. Тўқимачилик саноатининг хомашё таркибий қисми

Манба: mordorintelligence.com/industry-reports/global-textile-industry-growth-trends-and-forecast-2021-2030 Murojaat sanasi 21.07.2022

Юқоридаги расмдан кўриш мумкинки, тўқимачилик саноати хомашёсининг таркибий қисми жорий ва прогноз давр учун деярли ўзгармасдир. Бунинг асосий сабаби, пахта хомашёси табиий модда бўлиб, деярли барча истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондира олади. 2030-йилга келиб, қайта ва кимёвий ишланган таркибли хомашё

²⁸ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/textile-market> murojaat sanasi 21.07.2022

ҳажмининг ортиши ривожланган давлатларда харидорларнинг яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида қайта ишланган маҳсулотларга кўпроқ мойиллик билдираётганликларида намоён бўлмоқда.

Пахта толасининг ишлаб чиқариш ҳажми 1990-йилда 19 миллион тоннани ташкил этган бўлса, 2020-йилда бу рақам 26 миллион тоннага етган. Яна тўқимачилик саноати маҳсулоти - жун толаси ишлаб чиқариш бироз ўсган (1990- йилда 1,9 миллион тонна), 2020- йилда 1,08 миллион тоннагача пасайган. Табиий тола ишлаб чиқаришнинг ривожланиши вақт ўтиши билан инсонларнинг органик ва табиий маҳсулотларга интилиши туфайли ошиб боришини кузатишимиз мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичлар барча турдаги толаларни ишлаб чиқариш ҳажмини қамраб олади. Бироқ, 2000-2010 йиллардаги жаҳон кийим-кечак толаси истеъмоли ҳақидаги рақамларни инобатга олсак, умумий тола ишлаб чиқаришнинг 90% дан ортиғи кийим-кечак ишлаб чиқаришга тўғри келади, деган хулосага келиш мумкин.

Шу ўринда, нафақат тўқимачилик саноати, балки барча иқтисодиёт тармоқлари корхоналари учун маҳсулот таннархини пасайтириш, бунинг учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланишни амалга ошириш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш - муҳим масалалар сифатида бош қотиришга мажбур қилмоқда

Тақсимланадиган билвосита харажатлар бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан энг муҳимлари -ушбу харажатларнинг ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этилганлигига ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари устидан назоратнинг ташкил этиш даражасига боғлиқдир [8].

Яна бир муҳим жиҳат, глобал тола ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши одамларга ва дунёнинг умумий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай ўсиш қўшимча ер, сув, ишчи кучи, ҳайвонлар, кимёвий воситалардан фойдаланиш ва бошқа турдаги ресурслардан катта ҳажмда фойдаланишни талаб этади. Ресурслардан янада масъулиятли фойдаланиш, қайта ишлаш, қайта фойдаланиш, қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда бирламчи хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан камайтириш ва бирламчи ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилишдан ажратишнинг зарурлиги тўғрисида йўриқномалар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ бу йўналишдаги ишларнинг кўлами ва тезлиги ҳали талаб даражасида бўлмай, қўшимча куч ва ресурслар жалб этилиши лозим.

1-жадвал

Тўқимачилик саноатининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

№	Ички омиллар	Ташқи омиллар
1.	Маҳсулот	Тузилмавий тузатишлар
2.	Асбоб -ускуна	Табиий ресурслар (хомашё, иқлим)
3.	Технология	Ҳукумат ва инфратузилма
4.	Материаллар ва энергия истеъмоли	Давлат сиёсати
5.	Инсон омили	Мигрантлар
6.	Иш усуллари	Солиқлар

Тўқимачилик саноатининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг таснифини шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тўқимачилик саноатининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин (1-жадвал):

1. Ички омиллар;
2. Ташқи омиллар.

Қуйида ҳар бир омилни атрофлича кўриб чиқамиз:

1. Маҳсулот омили: маҳсулдорлик нуқтаи назаридан маҳсулот ишлаб чиқариш талабларига қанчалик мос келишини англатади, маҳсулот фойдалилиги билан баҳоланади. Маҳсулотнинг таннарх фойда омили бир хил харажат бўйича фойдани ошириш ёки бир хил фойда учун таннархни камайтириш орқали оширилиши мумкин.

2. Асбоб-ускуналар: улар маҳсулдорликни оширишда муҳим рол ўйнайди. Тўғри техник хизмат кўрсатиш ва бўш вақтни қисқартириш орқали заводнинг мавжудлиги ортиб бориши ҳосилдорликни оширади. Фойдаланиш, ёш, модернизация, таннарх, инвестициялар ва бошқаларга тўғри эътибор бериш орқали ҳосилдорликни ошириш мумкин.

3. Технология: Инновацион ва энг янги технологиялар самарадорликни сезиларли даражада оширади. Автоматлаштириш ва ахборот технологиялари материалларни қайта ишлаш, сақлаш, алоқа тизими ва сифат назоратини яхшилашга ёрдам беради.

4. Материаллар ва энергия истеъмоли: Материаллар ва энергия сарфини камайтиришга қаратилган ҳаракатлар самарадорликни сезиларли даражада оширади.

5. Инсон омиллари: маҳсулдорлик асосан инсон малакасига боғлиқ. Самарали ишлаш қобилияти ходимларнинг таълими, ўқитиш, тажриба қобилияти ва бошқалар каби турли омиллар билан бошқарилади. Ходимларнинг мотивацияси самарадорликка таъсир қилади.

6. Иш усуллари: Ишни бажариш усуллари такомиллаштириш меҳнат унумдорлигини оширади, ишни ўрганиш ва саноат муҳандислик техникаси ва ўргатиш иш усуллари такомиллаштирадиган соҳалардир, бу эса меҳнат унумдорлигини оширади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш харажатлари тушунчасининг илмий-назарий асослари тадқиқ этилиб, қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олим ва тадқиқотчиларнинг ёндашувлари таҳлил қилинди ва ўзига хос хусусиятларига кўра тизимлаштирилди.

1. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди, таъсир доирасига кўра тизимлаштирилди ва тақсимоти шакллантирилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноати соҳасига тегишли қабул қилинган қонунчилик ва меърий ҳужжатлари ўрганилди, шунингдек мамлакатимиз тўқимачилик саноати ривожланиш тенденциялари ўрганилди.

3. Тўқимачилик саноатининг коронавирус пандемияси вақтидаги ва ундан кейинги тикланиш вақтидаги ҳолати ўрганилди, ривожланиш тенденциялари аниқланди. Ушбу саноат тармоғининг ривожланиш тарихи, жумладан, сўнги йиллардаги маълумотлари таҳлил қилинди.

4. Дунё тўқимачилик бозоридаги энг йирик ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар бозор қиймати бўйича кетма-кетлиги шакллантирилди. Шунингдек, жаҳондаги етакчи тўқимачилик саноати компаниялари кетма-кетлиги аниқланди.

5. Тўқимачилик саноати ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи шакллантирилди ва таҳлил қилинди.

Адабиётлар:

Azlarov D.X. (2002) *Non mahsulotlari ishlab chiqarish xarajatlari hisobi va tahlilini takomillashtirish. Iqt.fan.nomz.dissert. –Toshkent. 151-bet.*

Baskerville P. (2011) *What are expanses in accounting? www. saylor.org. <https://resources.saylor.org/wwwresources/archived/site/wp-content/uploads//12/BUS103-EXPENSES.pdf>*

Ibragimov A.K. (2002) *Ishlab chiqarish xarajatlari hisobi, auditi va qishloq xo'jaligi mahsulotlari tannarxini aniqlashni takomillashtirish. Iqt.fan.dokt.dissert. Toshkent. 287-bet*

Karlibayeva R., Temirov A. (2019) *Korxonalarni raqobatbardoshligini baholash. O'quv qo'llanma. T.: Iqtisodiyot, -155 bet*

Klein B., K.B. Leffler. (1984) *The role of market forces in assuring contractual performance// Journal of Political Economy 89 (# 4, August, 1984), pp. 615-641*

Рикардо Д. (1955) "Сочинения". <http://www.library.fa.ru/files/Rikardo1.pdf>

Смит А. (2020) "Исследование о природе и причинах богатства народов". guter.info/bibliotek_Buks/Econom/smit/smit_1.pdf

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сонли Фармони.* // www.lex.uz.

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 21-январдаги ПФ-53-сон "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.*